

Иорданияда аёллар ўртасида халқаро Қуръон мусобақасининг якуний босқичи бошланди



10:10 / 13.03.2019 2404

Мусобақада турли давлатлардан жами 35 нафар аёл-хофизалар ўзаро куч синашмоқдалар, деб хабар беради Иорданиянинг Ал-Рай ахборот сайти.

Мусобақа Иордания Дин ишлари ва Вақф вазирликлари ташаббуси билан ўтказилмоқда. Вақф вазирлигининг Диний таълим мудирини Хотам Шамотнинг маълум қилишича, бу сафарги мусобақада Қуддус Вақф идорасидан ҳам вакил қатнашмоқда, бу шу кунларда мунозарада турган мусулмон ва насоролар учун муқаддас бўлган Қуддус шаҳрининг сиёсий мавқеини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Мусобақа 2019 йил 14 март куни ўз якунига етади ва беш нафар ғолибга қимматбаҳо совғалар тухфа этилади.

Islom.uz портали таҳририяти